

АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН СУҒУРТА ФАОЛИЯТИДА ФОЙДАЛАНИШДАГИ МАВЖУД МУАММОЛАР

**Абдусаломов Абдусамат Баходирович,
Ишонч”суғурта компанияси,
Даъволарни кўриб чиқиш департаменти мутахассиси
E-mail: oabdusalomov@mail.ru**

Аннотация: Ушбу мақолада республикамизда суғурта компанияларининг тутган ўрни, суғурта компанияларининг жаҳон амалиётидан келиб чиққан ҳолда ривожланиш стратегиялари, суғурта турлари, суғурта фаолиятини такомиллаштиришда ахборот-коммуникация технологияларининг аҳамияти ва соҳадаги мавжуд муаммолар атрофлича ёритиб берилган.

Аннотация: В статье всесторонне освещены место страховых компаний в нашей республике, существующие проблемы в сфере и значение информационно-коммуникационных технологий в совершенствовании страховой деятельности, видов страхований, стратегий развития, исходя из мировой практики страховых компаний.

Abstract: The article highlights the place of insurance companies in our republic, the existing problems in the sphere and the importance of information and communication technologies in improving insurance activities, types of insurance, development strategies, based on the world practice of insurance companies.

Калит сўзлар: суғурта компанияси, ижтимоий кафолат, суғурта тўловлари, суғурта фонди, суғурта тури, суғурта фаолияти.

Кириш

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида бозор иқтисодиёти шаклланиши билан суғурта компаниялари фаолиятлари ҳам кенг йўлга қўйилди. Албатта, ўтиш даврида амалга оширилган суғурта сиёсати ишлаб чиқаришнинг тўхтовсиз амалга оширилишини таъминловчи ва аҳоли манфаатларини ижтимоий кафолатловчи соҳага айланиб бормоқда. Суғурта бозорини ривожлантириш бозор иқтисодиёти инфратузилмасини шакллантиришнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Республикамиз миқёсида ҳозирги кунга келиб, 35 та суғурта компанияси самарали фаолият юритмоқда. Жаҳон амалиётидан келиб чиққан ҳолда суғурта компанияларининг ривожлантириш стратегиялари яратилмоқда. Суғурта фаолияти деганда суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг суғуртани амалга ошириш билан боғлиқ фаолияти тушунилади. Суғурта фаолияти иқтисодий инфратузилманинг ажралмас қисми сифатида ижтимоий кафолатни таъминлайди ҳамда шартномавий мажбурият ва тарифлар орқали турли суғурта рискларидан огоҳ этиш негизда иқтисодиёт субъектлари манфаатларининг ҳимоясини ҳам ўз зиммасига олади. Суғурта муносабатлари, уларнинг ташкилий

шаклларида қатъий назар суғурта фондини яратиш ва ундан фойдаланиш жараёнидир.

Таъкидлаш лозимки, суғурта муносабатлари - мураккаб ва кенг қамровли молиявий-пулли иқтисодий муносабатлар бўлиб, улар юзага келиши учун ўзаро боғлиқ шарт-шароит мажмуаси мавжудлиги ҳам муҳим ҳисобланади. Соҳага бўлган эътибор тармоқда фаолият юритаётган компаниялар сони ошиб бораётганини кўрсатмоқда.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Иқтисодиёт тармоқларида АКТни қўллаш жараёнларини такомиллаштириш ва унинг муаммолари бўйича кўплаб илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Ахборот-коммуникация технологияларини суғурта фаолиятига жорий этишнинг илмий-амалий масалалари хорижлик иқтисодчи олимларнинг илмий ишларида кенг тадқиқ этилган бўлиб, улардан А.Нювел, Ш.Мангани, М.Паули ва бошқа олимларнинг ишларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

А. Нювелнинг фикрича, ахборот-коммуникация технологияларини иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларига жорий этиш, хусусан, суғурта фаолиятини бошқаришда кенг қўламда қўллаш суғурта муносабатларини шакллантириш ва самарали йўналишларини кенгайтиришга хизмат қилади [1].

Ш. Мангани ҳам суғурта фаолиятига АКТни жорий этиш масалаларини ўрганиб чиққан бўлиб, унинг фикрича, суғурта фаолиятига АКТни жорий этиш ва ундаги жараёнларни самарали ахборотлаштиришни йўлга қўйиш миллий иқтисодиётни оқилона таркибий ўзгартириш, ҳамда молиявий маблағларни мақсадли йўналтириш имконини беради ва бу ўз навбатида, мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилади [2].

Ахборот-коммуникация технологияларини суғурта фаолиятига самарали жорий этиш масалалари МДХ олимлари томонидан ҳам ўрганилган бўлиб, В.П. Лузин ва В.М.Базановнинг фикрича, суғурта фаолияти бизнес турлари орасида катта ҳажмдаги ахборотлар билан ишловчи фаолият тури бўлиб, суғурта компаниялари фаолиятига АКТни самарали татбиқ этиш компаниянинг келажакдаги фаолиятини тўғри йўлга қўйишда жуда муҳим омилардан бири ҳисобланади [3, 4].

Мамлакатимиз олимларидан А.О. Рўзиев томонидан суғурта фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш жараёнлари тадқиқ этилган бўлиб, унда республикада фаолият юритаётган суғурта компанияларида ахборот-коммуникация технологиялари ва тизимларини жорий этиш суғурта бизнеси ривожланиши ва рақобатбардошлигига хизмат қилиши, бу эса ўз навбатида, суғурталаш жараёнлари иштирокчиларининг иқтисодий манфаатлари тўла қондирилиши учун ягона ахборот макони шакллантирилиши кўрсатиб ўтилган [5].

Таҳлил ва натижалар

Мамлакатимизда суғурта турларини янги кўринишдагиларини таклиф қилиш алоҳида касб этмоқда. Маълумки, суғурта фаолияти жисмоний ва юридик

шахслар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг рисклар юз бериши оқибатида кўриши эҳтимоли бўлган зарарларини қоплашнинг зарур воситаси сифатида пайдо бўлиб, ривожланиб бормоқда ҳамда аниқ суғурта манфаатлари негизда суғурта муносабатлари юзага келмоқда.

Шунга қарамай, ҳозирги кунга келиб, суғурта компаниялари бир неча суғурта турлари билан аҳолига хизмат қилиб келмоқда:

1. Мажбурий суғурта транспорт воситасидан фойдаланишда транспорт воситалари эгаларининг жабрланувчилар ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига етказилган зарарнинг келиши билан боғлиқ бўлган фуқаролар жавобгарлигини қонун ҳужжатларига мувофиқ юзага келиши билан боғлиқ бўлган мулкӣ манфаатлари мажбурий суғуртадир.

2. Фуқаролик жавобгарликларининг бошқа турларини суғурталаш қуйидагиларни ўз ичига олади, яъни спорт тадбирлари, кўргазмалар, товар (хиз-мат) ишлаб чиқарувчилар, иш берувчилар, фуқаролик жавобгарликларини суғурталаш.

“Ишонч” суғурта компанияси мисолида кўриб чиқсак, улар томонидан тўққиз хилдаги суғурталаш йўлга қўйилган (жадвал).

Жадвал


2016 йил якунлари бўйича суғурта тўловларининг тармоқлараро таркиби тақсимланиши¹

Суғурта турлари	Қоплаб берилган сумма(минг.сум)			
	Амалда (2016 йил)	Амалда (2017 йил)	Соф фойда (%)	Ўсиш сурати (%)
Шахсий суғурта	12 352,16	8 299,63	0,47	67
Жавобгарликни суғурталаш	0	4 029,65	0,23	0
Мол-мулкни суғурталаш	199 278,07	187 325,78	10,70	94
Мажбурий суғурта	1 315 728,29	1 550 323,66	88,59	118
Шужумладан:				
Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта килиш	741 790,50	1 114 633,31	63,69	150
Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта килиш	5 378,0	13 442,28	0,77	250
Суғурта компаниялар орасидаги портфелни бошқариш	568 559,79	411 599,73	23,52	72
Йуловчи ташувчиларнинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта килиш	0	0	0,47	0
Суғурта компаниялари орасида Йуловчи ташувчиларнинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта килиш бўйича портфелни бошқариш	0	10 648,34	0,61	0
Жами	1 527 358,52	1 749 978,72	100,0%	115%

¹ “Ишонч” суғурта компанияси маълумотлари

Суғурта тўловларининг асосий қисми транспорт воситаси эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталашга (Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш) ва иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишга (Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш) тўғри келади. Компания томонидан 2016 йилда амалга оширилган суғурта тўловларининг умумий миқдори 1 749 978,72 млн. сўмни ташкил қилган. Тўловлар таркибида тўловларнинг умумий миқдоридан энг катта миқдори мажбурий суғурта ҳисобланади – 88,59 %, мулкни суғурталаш - 10,7 %, шахсий суғурта - 0,47 % ва масъулиятни суғурталаш – 0,23 %. Суғурта тўловларининг асосий қисми иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталашга тўғри келади (Суғурта компаниялари орасидаги портфелни бошқариш) ва учинчи шахс мажбуриятларини мажбурий суғурта қилиш мажбурий суғуртаси (Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш – 1 114,63 млн. сўм).

Таъкидлаш жоизки, компания мутахассислари ҳужжатларни қайта ишлаш жараёнини яхшилаш, талабларни қисқа муддатда ҳал этиш, шунингдек, компания томонидан даъво ишларининг сифатини яхшилашга алоҳида эътибор берадилар.



Расм. “Ишонч” суғурта компаниясида 2016 йилда амалга оширилган суғурта тўловларининг умумий миқдори²

Тузилган суғурта шартномалари бўйича ўз миқдорларининг мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажариш компаниянинг устувор вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Шу нуқтаи назардан, компаниянинг хизматлар истеъмолчилари орасидаги обрўси суғурта ҳодисалари бўйича амалга оширилган тўловлар билан белгиланади.

² “Ишонч” суғурта компанияси маълумотлари

2016 йил учун 582 дона миқдорда даъво аризалари қабул қилиниб, унинг умумий суммаси 684 369 000,80 млн. сўмга тенгдир. Шу билан бирга, 2016 йилда даъволарнинг сони 37 тани ташкил этиб, унинг умумий суммаси 110 618 000,48 млн. сўмни ташкил этди.

Талаб қилинган зарарлар (ҳисобот даврида ҳисобга олинмаган талаблар) бўйича жами 1802431,23 минг сўмлик 581 та даъво кўриб чиқилди, шу жумладан 567 та суғурта ҳодисаси тан олинган бўлиб, умумий миқдори 1 749 978,72 млн. сўмни, жами 52 452 000,51 млн. сўмлик 14 та талабнома рад этилди.

Таъкидлаш жоизки, ҳисобот даврида жами 74 812 000.13 млн. сўмлик 38 та талабнома қабул қилинмади, бунинг натижасида тасдиқловчи ҳужжат мавжуд эмаслиги сабабли компания томонидан 2016 йилда амалга оширилган суғурта тўловларининг умумий ҳажми 1749978,72 млн. сўмни ташкил этди. Тўловлар тузилмасида мажбурий суғурта бўйича 88,59 фоиз ва мулкни суғурталаш 10,70 фоизга тўғри келади.

Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) тўпланган ахборот маҳсулотларини кишиларига тезкор суръатда етказиб, сермеҳнатлик даражасини пасайтирган ҳолда мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун кенг имкониятлар яратиб бермоқда. Шунинг учун ҳам АКТни иқтисодиётнинг барча тармоқларида самарали қўллаш мамлакатни технологик ва иқтисодиёт жиҳатидан ривожлантиришни ифодаловчи кўрсаткич бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳозирги кунда суғурта фаолиятини такомиллаштиришни АКТсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ўзбекистонда интернет-суғуртанинг ривожланиб бориши истиқболли аҳамиятга эга бўлиб, бу истиқбол суғурта хизматлари бозори ҳажмининг катталиги ва бозорнинг салоҳиятли иштирокчиси бўлган мижозга мулоқот қилиши учун телефон рақамларини қолдириш, e-mail анкеталарини тўлдириш таклифи бўлган off–line тартибидаги харидларни амалга оширишни таклиф қилиш имкониятлари мавжуд бўлган сайтларга эга бўлиб бораётганлиги билан боғлиқ.

Интернет ва АКТ жаҳон бозорига чиқишнинг асосий воситаси ҳисобланиб, шу боис ҳам келгусида суғурта тизимининг муваффақияти ахборот ва Интернетдан келгусида қай даражада фойдаланишимизга боғлиқ.

Амалиёт кўрсатмоқдаки, суғурта компаниялари фаолиятида АКТдан фойдаланишда қуйидаги муаммолар долзарблигича қолмоқда:

а) суғурта компаниялари бўлимлари ўртасидаги ҳужжатлар алмашинуви аксарият ҳолларда қоғоз кўринишида бўлиб, кўпгина қарор қилиш жараёнларини секинлаштирмоқда. Бундан ташқари ушбу жараёнларида фойдаланилувчи қоғозларга қилинадиган ҳаражатлар кундан-кунга ортиб бормоқда. Шунинг учун ҳам ушбу жараёнларда АКТ функционал имкониятларидан кенг фойдаланиш талаб қилинмоқда;

б) бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда жисмоний ва юридик шахслар учун АКТлар асосида суғурта хизматларининг янги турларини таклиф қилиш талаб этилмоқда;

в) бахтсиз йўл ҳодисаси рўй берган ҳолда масофадан туриб, ушбу ҳолатга баҳо бериш АКТнинг функционал имкониятларидан кенг фойдаланиш талаб қилинмоқда;

г) хорижий мамлакатлардан туриб суғурта полисини буюртма қилиш ва уни Ўзбекистон ҳудудига келганда электрон почта орқали қабул қилиш талаб қилинмоқда;

д) суғурта полиси сотилган вақтда жуда кўп ҳатоликлар ва коррупцияга дуч келинмоқда;

е) компанияда ҳудудлараро ҳужжатлар алмашилиши қисқа вақт мобайнида камайтиришни талаб этмоқда;

ж) компанияда АКТдан қисман фойдаланилади, асосан ҳисоб операциялари ва бухгалтерия ҳисобларини юритишни автоматлаштириш учун;

з) компания фаолиятидаги мақсадларнинг ҳамма вақт ҳам аниқ эмаслиги;

и) бошқарув усуллари самарадорлигининг пастлиги, реал ҳолат ва риск омилларини инобатга олмай туриб интуитив равишда асосиз бошқарув қарорлари қабул қилиниши.

Компанияда муаммоларини муваффақиятли ҳал қилиш, ишлар сифатини ошириш ва ушбу соҳани ривожлантиришнинг асосий омилларидан бўлиб АКТ асосида самарали бошқарув тизимини яратиш ва жорий қилиш ҳисобланади. Бунинг учун республикамизда барча шарт–шароитлар кенг яратиб берилган. Ҳозирги пайтда компанияларнинг аксариятида локал ахборот тармоғига уланган биттадан ўнтагача автоматлаштирилган иш ўринларидан кенг фойдаланилмоқда.

Суғурта компанияларида АКТдан самарали фойдаланишда ривожланган давлатларнинг ўртасида катта тафовутлар мавжудлиги кўзга ташланмоқда. Ғарб давлатларида анчадан бери мижозларнинг талабини ҳисобга олиш, мижозлар билан ўзаро муносабатларни доимий равишда таҳлил қилиш асосидаги менежментга комплекс ёндашув тизими ҳисобланмиш CRM (Customer Relations Management) мижозлар билан ўзаро муносабатларни бошқариш ахборот тизимлари кенг қўлланилмоқда. Европа Иттифоқи давлатларида Интернетни кенг қўллаётган суғурта компаниялар сони доимий равишда ортиб бормоқда. Бундан ташқари Интернет орқали суғурта тўловлари сони ҳам ортмоқда.

Ахборот тизимларини лойиҳалаштириш, ишлаб чиқиш ва жорий қилиш билан шуғуланувчи ғарби компанияларида олдин йирик ташкилотлар имкониятига мос келувчи янги хизматлар тақдим этилмоқда.

Ҳозирги кунга келиб, суғурта компанияси ўз бошқарувида ғарбда ёки ўзимизда ишлаб чиқарилган ахборот тизимларидан кенг фойдалана бошланди.

Локал ахборот тизим остиларини компания томонидан жорий қилишда уларни битта ягона тизимга бирлаштириш ва бошқаришда қўйидаги бир қатор муаммолар вужудга келмоқда:

1. Компанияда турли бўлимлари учун мўлжалланган бир нечта локал ахборот тизимлари иш фаолиятини юритиш субъектларга қиммат тушади,

ахборотларнинг аниқлиги ва долзарблигини пасайтиради, зарур маълумотларни излаб топишни қийинлаштиради.

2. Компания раҳбарига ўзаро бир-бири билан боғлиқ бўлмаган тартиблашмаган, долзарб бўлмаган ахборотлар оқими билан ишлашга тўғри келади. Бундай ахборотлар ҳажмининг ортиб бориш уларнинг ҳисоби, таҳлили ва улар асосида тезкор бошқарув қарорларини қабул қилиш борасида янги муаммоларни вужудга келтиради.

3. Кўпгина фойдаланилаётган дастурий маҳсулотларда электрон олиб бориш воситалари умуман мавжуд эмас.

Суғурта компаниясида ахборот тизимларига бўлган яна бир талаб унинг қарорлар қабул қилишдаги тезкорлиги ва ишлаш тезлигидир. Шунинг учун ҳам суғурта компаниясида талабни ўзгартиришни талаб қилувчи ахборот тизимлари қизиқтиради ва улар мавжуд ҳамда истиқболдаги янги жараёнларга тез мослашувчи бўлиши керак. Суғурта компанияда АКТдан фойдаланишда юқорида келтирилган қайси йўналишни танлаш борасида унинг стратегияси, мавжуд молиявий ресурслари ва техник жиҳатдан таъминланганлик омилларига боғлиқ бўлиб, замонавий инновацияга асосланган технологияларсиз уларнинг келажагини тасаввур қилиш мушкул.

Фикримизча, суғурта компаниясида АКТ функционал имкониятларидан кенг фойдаланиш ҳисобланади. Шунинг учун ҳам АКТни суғурта компаниясида барча босқичларни билан муҳим узлуксиз ҳолда кўриб чиқиш керак бўлади. Амалиёт кўрсатмоқдаки, технологияларнинг ривожланиши компанияда иш юритишга жиддий таъсир кўрсатиб ва полислар сотилишда камчиликларга йўл қўйилиб, АКТни кенг жорий қилганларга қўшимча рақобат устунликларини бермоқда. АКТни қўллаш компания тўғрисидаги катта ҳажмдаги маълумот ва ахборотларга тезкор кириш, уларни баҳолаш, қайта ишлаш ва тақдим қилишга кенг имконият ярати беради.

Лекин, шунга қарамай, АКТдан фойдаланиш даражаси ҳали ҳам унчалик юқори бўлмапти. Бунга фикримизча, компания раҳбарларининг АКТдан олиниши мумкин бўлган иқтисодий самарадорликдан беҳабарлиги ҳамма вақт ҳам малакали мутахассисларнинг жалб қилинмаслиги коммуникация воситаларининг узоқ ҳудудларга тўлиқ етиб бормагалиги каби омиллар таъсир қилмоқда. Ривожланган давлатлар компания субъектлари томонидан самарали фойдаланиб келаётган ахборот тизимларини қўлламаслик улар нархининг юқорилиги билан ифодаланади. Шунинг учун ҳам мавжуд инфратузилмадан келиб чиққан ҳолда АКТдан кенг кўламда фойдаланишни йўлга қўйиш талаб қилинади.

АКТни кенг қўллашда Интернет орқали дастурий маҳсулотларни сотиб олиб, улардан фойдаланиш механизмлари долзарб бўлиб қолмоқда. Бундан ташқари ушбу йўналиш суғурта компаниясида АКТ мутахассисларининг етишмаслиги муносабати билан ҳам муҳим ҳисобланади. Компанияда кўплаб дастурий маҳсулот АКТ компаниянинг серверига жойлаштирилган ахборот тизими билан

ишлайди. Ундан мижозлар дастурий маҳсулот, яъни автоматлаштирилган ахборот тизими билан веб-интерфейс орқали ишлашлари мумкин бўлиб, унда молиявий ресурслар анча тежалиб, компаниянинг юқори малакали АКТ мутахассислари билан бевосита алоқалар ҳам кенг йўлга қўйилади.

Суғурта ахбороти ўзига хос товар ва ахборотлар олди-соттисида савдо объекти бўлиб ахборотларга эгалик қилиш ҳуқуқи эмас, балки фақат улардан фойдаланиш ҳуқуқи хизмат қилади. Ушбу ҳолатда ахборотларга интеллектуал мулк деб қараш лозим.

Ҳозирги кунда суғурта фаолиятининг функционал масалалари, яъни суғурта полисларининг сотилиш мониторинги, суғурта мукофоти ва қопламалари ҳисоб юритиш, суғурта шартномалари назоратини олиб бориш каби масалаларни АКТ асосида тартибга солиш ва уларни ҳал этиш, ушбу фаолиятнинг ахборот тизимларини шакллантиришда суғурта маълумотлари банки ва базаларини лойиҳалаштириш тартибини АКТ ёрдамида ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг самарадорлигини баҳолаш усулларини такомиллаштириш масалаларини ҳал этиш борасида Microsoft, Oracle, Sun, IBM ва шу каби жаҳоннинг йирик компаниялари ҳам иш олиб бормоқда.

Хулоса

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, суғурта компаниясида жуда катта ҳажмдаги ва мураккаб маълумотлар базаси билан иш олиб борилиш сабаблари, кўп ҳолатларда суғурта ахборот тизимларидан жуда эҳтиёткорлик билан фойдаланилади. Компания ахборот технологиялари инфратузилмасида биттагина оддий хато компания бошқарувида камчиликлар келтириб чиқариши ва ҳатто компаниянинг бозордан чиқиб кетишига ҳам сабаб бўлиши мумкин. Ҳозирги вақтда сифатли бошқарувни амалга ошириш энг асосий масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Бунинг учун ихтиёрий суғурта компанияси учун маълумотларни қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва айни дамдаги даромад ва харажатлар ҳисобини, ходимлар мониторингини олиб бориш учун махсус ахборот тизими керак. Биз юқорида кўриб чиқилган замонавий АКТ имкониятларидан кенг фойдаланса натижага эриша оламиз ва бунинг учун ортиқча молиявий харажатлар талаб этилмайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Amy Newell, (2002), Online Insurance Industry Enjoys Net Gains, Banking Technology News, February 2002
2. Mangani Sh, 2012, The importance of information technology in the insurance industry. Malta
3. Лузин В.П. Информационно-технические основы создания системы управления крупными рисками в страховой компании. – М.: БУКВИЦА, 2000.
4. Базанов В.М.. Выбор стратегии автоматизации страховой деятельности, // Страховое дело, № 5, 2004.

5. Рўзиев А.О. Суғурта фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш жараёнларини такомиллаштириш.: Ном. дис. иқт. фан. - Тошкент: ТМИ, 2012.
6. Ахвледиани Ю.Т. Страхование: учебник. – М.: ЮНИТИ, 2006, 543-бет.
7. Грищенко Н.Б. Основы страховой деятельности: учеб.пособие. – М.: Финансы и статистика, 2006, 352 с.
8. Сахирова Н.П. Страхование: учеб.пособие. – М.: ПРОСПЕКТ, 2007, 732 с.
9. Щербаков В.А., Костяева Е.В. Страхование: учеб.пособие. – М.: КНОРУС, 2008, 312 с.
10. Шахов В.В. Страхование: учебник. – М.: ЮНИТИ, 2003, 311 с.
11. Гвозденко А.А. Страхование: учебник. – М.: ПРОСПЕКТ, 2004, 342 с.
12. Архипов А.П., Гомелля В.Б., Туленты Д.С. Страхование. Современный курс: учебник/под.ред Е.В.Коломина.– М.: Финансы и статистика, 2007, 416 с.
13. Axborot texnologiyalari / M. Aripov, B. Begalov, U. Begimqulov, M. Mamarajabov. – T.: Noshir, 2009.-368 b.
14. Alimov R.X., Begalov B.A., Yulchiyeva G.T, Alishov Sh. Iqtisodiyotda axborot texnologiyalari. O’quv qo’llanma. – T.: O’zbekiston Yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg’armasi nashriyot, 2005.- 184 b.
15. Axborot tizimlari va texnologiyalari: Oliy o’quv yurtlari talabalari uchun darslik // Mualliflar jamoasi: S.S.G’ulomov, R.X.Alimov, X.S.Lutfullayev, B.A.Begalov va boshq;/ S.S.G’ulomovning umumiy taxriri ostida. – T.: Sharq, 2000.-592 b.